O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 29-mart, chorshanba, 13 (343)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

САХИФАЛАРНИ ВАРАКЛАГАНДА

ПОХОЛДАН ТЎҒОН, ҚУМДАН ОМБОР БЎЛМАС

Бинолардаги бошқа қурилишларга яроқли материаллар, ноёб жиҳозлар сотиб юборилди. Бундай талон-тарожликлар ҳамон давом этмоқда.

2-бет

КУЛДИРУВЧИ ГУЛ

Бу ғаройиб ўсимлик Арабистонда ўсади. Унинг уруғини истеъмол қилган одам ярим соат мириқиб кулиб, кейин ухлаб қолар экан.

4-бет

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзМТДП фракцияси ва Марказий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

***

ЎзМТДП *АНДИЖОН* **вилояти партия кенгаши томонидан «Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним» мавзуида байрам тадбири ўтказилди.**

***

НАМАНГАН вилоят Халқ таълими бошқармасига қарашли Ўқувчилар ижодиёт марказида партиянинг вилоят кенгаши томонидан «Наврўз — баҳор ва янгиланиш байрами» мавзуида байрам тадбири ўтказилди.

***

ЎзМТДП *НАВОИЙ* **вилояти Навоий шаҳар кенгаши ташаббуси билан шаҳардаги 9-ўрта мактабда «Демократик ислоҳотларни амалга оширишда ёшларнинг ўрни ва роли» мавзуида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатори Ражабали Жуманиязов билан учрашув ўтказилди.**

***

САМАРҚАНД вилояти Жомбой туманидаги 31-ўрта мактабда партиянинг туман кенгаши ташаббуси билан «Йўл қоидаси — умр фойдаси» мавзуида тадбир ўтказилди.

***

ЎзМТДП *САМАРҚАНД* **вилояти Сиёб туман кенгаши томонидан «Ҳашар — элга ярашар» деб номланган ободонлаштириш тадбири ўтказилди.**

***

Партиянинг ***НАМАНГАН*** вилояти Учкўприк туман кенгаши томонидан «Энг мурувватли инсон» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

***

ЎзМТДП *СУРХОНДАРЁ* **вилоят Ангор туман кенгаши ташаббуси билан туман хотин-қизлари ўртасида «Ҳаёли қиз маҳалла кўрки» кўрик-танлови ўтказилди.**

***

Партиянинг ***ТОШКЕНТ*** шаҳар Шайҳонтоҳур туман кенгаши томонидан Беруний маҳалласида «Ҳар кунинг бўлсин Наврўз» деб номланган тадбир ўтказилди.

***

ЎзМТДП *ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН* **Республикаси Нукус шаҳар кенгаши томонидан «Куёшли қадамларинг муборак, Наврўзим» деб номланган байрам тадбири ташкиллаштирилди.**

***

ҚАШҚАДАРЁ вилоятининг Яккабоғ ва Чироқчи туманларида партиянинг туман кенгашлари ташаббускорлигида «Бойчечак байрами» ўтказилди.

***

Партиянинг *НАВОИЙ* **вилояти Хатирчи туман кенгаши ташаббуси билан Пўлкан номли маҳаллада «Бу юртга байрамлар ярашади» деб номланган байрам тадбири ўтказилди.**

***

Юқори Чирчиқ туманида партиянинг туман кенгаши ташаббускорлигида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан кам таъминланган оилаларга саховат ёрдамлари кўрсатилди.

***

НАВОИЙ **шаҳридаги «Турон», «Матонат», «Ғалаба» маҳаллаларида партиянинг Навоий шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Наврўз — янгиланиш, юксалиш ва меҳр-саховат айёми» мавзуида адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.**

Ўз мухбиримиз

Оғриқнинг яхшиёмони бўлмайди. Ҳамма дардлар ҳам ўз йўлига, аммо тишингиз оғриб қолса, кўнглингизга ҳеч нарса сиғмайди. Наманган вилояти Поп туман стоматология поликлиникасида 35 йилдан буён ишлаб келаётган Матлуба Хамидова одамларнинг дардига малҳам топиб яшашни бахт деб билади.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат



САХОВАТДА ПИНҲОН САОДАТ

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Сахийлик инсонийликнинг улуғ зийнатидир. Шунинг учунми, «Кийган тўнинг эскирар, кийдирганинг эскирмас», дейилади халқ мақолларида. Муҳтож одамларга, бева-бевораларга, етимлар, қаровсиз қолган қарияларга ёрдам қўлини чўзиш, мурувват кўрсатиш азалдан халқимизга, миллий қадриятларимизга зеб бўлган эзгу фазилатдир. Айниқса, қадимдан Наврўз байрами кунларида шундай кишиларни йўқлаш, кексаларнинг ҳолидан хабар олиш яхши одат бўлиб келган.

Ана шундай анъаналарни давом эттирган ҳолда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг бир гуруҳ фаоллари яқинда Янгийўл шаҳрида хайрия тадбирини ўтказдилар. Хайрия тадбири шу куни Янгийўл шаҳридаги Марказий майдонда бўлиб ўтаётган Наврўз байрами тантаналарига уланиб кетди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП Марказий кенгаши котиблари Раъножон Зарипова, Мунира Қориевалар иштирок этишди.

— Бундай кунларда халқ ичида бўлиш, одамларнинг кўнглиги йўл топиш ҳам бир саодатдир,— дейди депутат Мунира Қориева.— Байрам баҳона баҳоли қудрат ҳомийлик ёрдамларини кўрсатиш ниятидамиз. Партиямиз илгари сураётган ғоялар замирида ҳам мана шундай эзгу ишлар мужассам. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да ҳеч биримиз бундай яхши ишларни амалга оширишда четда турмаслигимиз керак, деб ўйлайман.

Жойларда ўтказилаётган учрашув ва муло-қотларда, тадбирларда ҳомийлик, эл дардига шериклик руҳи сезилмоқда. Шу куни Мунира Қориева раҳбарлигидаги «Жўрабек» дорихонаси томонидан ёрдамга муҳтож кишиларга 8 миллион сўмлик дори-дармонлар, 2 минг кишига совға-саломлар тарқатилди. Тумандаги кам таъминланган оилаларнинг 120 нафар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилиши тадбир қатнашчиларини руҳлантириб юборди.

Байрам шодиёнаси туман маданият уйи қошидаги гуруҳларнинг хонандалари, ҳаваскор жамоалар, ўқувчи ёшларнинг чиқишлари билан янада файзли ўтди. Бир гуруҳ спортчи ёшлар даврага кириб келганида кейинги йилларда болалар спортига берилаётган эътибор бесамар кетмаётганлиги сезилди. Даврадагилар уларнинг ютуқларидан қувонишди.

Тадбир сўнгида йиғилганлар байрам дастурхонига таклиф этилдилар.

Донолар айтганидек: «Сахийлик, қўли очиқлик — одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёси, кишилик боғининг ҳосилдор дарахтидир». Саховат ва ҳиммат инсонни эзгулик йўли сари етаклайди. Ҳомийлик инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодасидир. Мухтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, савоб ишни кўпроқ қилишга интилган кишилар кўпаяверсин.

Гулбаҳор ОРТИҚҲЎЖАЕВА

БАРДАВОМ АНЪАНАЛАР

Ўзбек халқи қадимий тарихи, бой маънавий ва моддий маданияти билан истаганича фахрланса арзийди. Мустақиллик йилларида тарихимизнинг холис ва ҳаққоний ёритила бошлаши, миллий қадриятларимизнинг қайта тикланиши муҳим аҳамиятга эга. Асл тарихимизни ўрганиш, аждодларимиз меросидан баҳраманд бўлиш маънавий юксалишнинг бир кўринишидир.

Ўтмиши ўнлаб асрлар билан сирдош бўлган маданий меросимизни ўрганиш, асраш, уни келажак авлодга асл ҳолича етказиш борасида республикамизда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда вилоятимизда ҳам бу соҳада қилинаётган қатор ижобий ишларни қайд этиб, обод гўшага айлантирилган тарихий ёдгорликларни ва халқимизнинг мўътабар зиёратгоҳларига айланган масканларни фахр билан санаш мумкин.

Қулай табиий шароити туфайли қадимдан инсониятнинг севимли гўшаларидан бири ҳисобланган Уструшона давлати (ҳозирги Жиззах ва Сирдарё вилоятлари) қадимги Хитой йилномалари ва араб муаррихларининг асарларида Ўрта Осиёнинг бой деҳқончилик мамлакатларидан бири сифатида эслатилади. Қадимги Уструшона давлати ҳудудида қалъа ва қасрлар кўплиги учун обод воҳалардан бири ҳисобланган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур гўзал сўзлар билан таърифлаган Зомин ҳудуди ҳам ўзининг қадимий ва бой ўтмиши билан Ўзбекистон тарихида алоҳида ўринга эга.

Зомин ҳудудидан шу пайтгача ўнлаб археологик ёдгорликлар топилган. Собиқ шўро даврида ташландиқ ҳолатга келиб қолган лекин халқимиз учун тарихий ёдгорлик ва зиёратгоҳ сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган, вилоятимизнинг Зомин ва Янгиобод туманлари чегарасида жойлашган Хўжамушкентота зиёратгоҳи ҳам ҳар қанча қадрланса арзийди.

Ушбу ёдгорлик мустақиллик йилларида халқимизнинг гавжум зиёратгоҳидан бирига айланди, унга эътибор берила бошланди. Бироқ бу тарихий ёдгорликни тўлиқ таъмирлаш ва ободонлаштириш зарур эди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Янгиобод ва Зомин тумани кенгашлари ўз дастури асосида тарихий меросимизни асраш ташаббусини бир неча бор кўтариб чиққан эди. Ниҳоят, вилоят тарихий ёдгорликларини асраш маркази билан бу борада якдил фикрга келинди. Ушбу ташкилот билан ҳамкорликда Хўжамушкентота ёдгорлигини таъмирлаш ва ободонлаштириш, уни халқимизнинг файзли зиёратгоҳларидан бирига айлантириш мақсадида Эрганакли, Феруз, Байот, Боғот қишлоқларининг аҳолиси бир вақтда Хўжамушкентотага йиғилиши эълон қилинди, савобли иш хабарини эшитган турли хил касб эгалари йиғилишди. Йиғилишда ташкилотчи-маърузачилар мамлакатимизнинг барча жойида бунёдкорлик ишлари жадал кечаётган бир пайтда ушбу ёдгорликни ҳам таъмирлаш, ободонлаштириш муҳим масала эканлиги, ёшу қарини бу эзгу ишга жалб қилиш лозимлиги, ҳомийларни жалб қилиш, қайси йўл билан бўлмасин ёдгорликни обод гўшага айлантириш ҳақида гапиришди. Иштирокчилар ҳам сўзга чиқиб, ёдгорликни сақлаб қолиш, уни таъмирлаш ва ободонлаштиришга тайёр эканлигини айтишди. Ҳар бир қишлоқ аҳли навбат билан ободонлаштириш тадбирига ёрдамлашадиган, катта ҳашар ташкил этиладиган бўлди. Бир қадимий зиёратгоҳимизни халқимизнинг обод гўшасига айлантириш ва аждодларимизнинг руҳини шод этишга келишиб олинди. Бундай хайрли ишларга келишув ва уни амалга оширишга киришилишини миллий қадриятларимизнинг бир кўринишиси, азалий анъаналаримизнинг ҳаётийлиги тимсоли деб аташимиз мумкин. Бу каби ишларни амалга ошириш жамиятимиз аъзоларида Ватанга муҳаббат, маданий меросимизга ҳурмат туйғуларини шакллантириши шубҳасиз.

Фурқат ТОШБОЕВ,
ЎзМТДП Жиззах вилояти кенгаши раиси ўринбосари

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари институтида «Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги Қарорига биноан тасдиқланган «Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида қонунчилик соҳасида қонунчилик ҳокимиятининг таъсири ва ролини кучайтириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга ошириш» Концепцияси талабларига мувофиқ ўтказилди.

Семинар ишида депутатлар, сенаторлар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалга ходимлари ва юридик таълим муассасалари илмий ходимлари қатнашдилар.

Семинарнинг асосий вазифаси амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги тушунчаси, турлари, мақсад ва вазифалари, тамойиллари, асосий йўналишлари, босқичлари, объект ва субъектларига тегишли бўлган муҳим масалаларни муҳокама қилишдан иборат бўлди. Маърузачилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар қонун ҳужжатлари мониторинги асосий йўналишларининг ҳозирги ҳолатига тўхталиб ўтдилар. Сўзга чиқувчилар қонунчилик мониторингини амалга ошириш доирасини аниқ белгилаш юзасидан турли фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинар давомида қонун ҳужжатларининг мониторинги бугун қандай бўлиши керак, ким унда иштирок этиши керак, унинг аҳамияти ва самараси ошиши учун уни қандай усулларда ўтказиш зарур, каби саволлар юзасидан баҳслар иштирокчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Семинар қизғин баҳс-мунозаралар руҳида кечди.

Семинар натижалари бўйича илмий ва амалий аҳамиятга эга тавсиялар ишлаб чиқилди. Жумладан, амалдаги қонун ҳужжатларининг мониторинги соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, бошқа давлат ва нодавлат, нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини аниқлаш заруриятти тўғрисида таклиф илгари сурилди. Ҳуқуқшунос олимларга амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш таклиф этилди.

Семинар иштирокчилари томонидан қонун ҳужжатлари мониторинги имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш умумий вазифа сифатида эътироф этилди.

Ўз мухбиримиз

КИМ НИМА ДЕДИ?

Халқ томонидан депутатликка сайланган инсон, аввало, ўз ишига фидойи, улкан маънавият эгаси, билимли, илғор дунёқарашли бўлиб, юрт ривожи учун сидқидилдан хизмат қилиши керак.

Ҳ.ХИДИРОВ,
ЎзМТДП Жиззах туман кенгаши раиси

КЎНГИЛЛАРДА БАҲОР НАФАСИ

Зангиота тумани бугунги кунда бутунлай янги қиёфада чирой очиб бормоқда. Туманда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётир. Наврўз байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида тумандаги қўрғон, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экишга алоҳида эътибор берилди, жойларда гулзорлар ва янги боғроғлар яратишга киришилди.

ЎзМТДП Зангиота туман кенгаши ташаббуси билан туманда бир неча марта халқ ҳашарлари ташкил этилди. Ариқ ва зовурларни, кўчалар атрофини чиқиндилардан тозалаб, тартибга келтириш учун техника воситалари жалб қилинди. Ҳашар давомида 108 550 туп мевали ва манзарали дарахтлар, 66 минг туп атиргул, 70 450 туп мавсумий гул кўчатлари экилиши туманимизнинг чиройига чирой қўшгандек бўлди.

Нафосат ва покланиш байрами Наврўзи Оламни ўтказиш учун тумандаги барча қишлоқ ва қўрғонларнинг фаоллари ўзларининг байрам дастурларини тақдим этишди. Байрам куни патиянинг туман кенгаши томонидан қишлоқ, қўрғон фуқаролар йиғинлари ўртасида байрам тадбирларини ўтказиш бўйича беллашув ташкил этилди. Беллашувда байрамга катта тайёргарлик кўрган «Ўртаовул» фуқаролар йиғини 1-ўринни, «Эркин» қишлоқ фуқаролар йиғини 2-ўринни, «Зангиота» қишлоқ фуқаролар йиғини 3-ўринни эгаллади. Ғолибларга эсталик совғалари топширилди.

Равшан ТОЖИБОЕВ,
ЎзМТДП Зангиота туман кенгаши раиси

ПАРКЕНТДА НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ

Наврўз байрамини паркентликлар ҳам катта шоду ҳуррамлик билан кутиб олдилар. Шу куни марказий майдонда байрам сайли бўлиб ўтди, турли хил халқ ўйинлари, варрак учириш ва бошқа миллий ўйинлар мусобақалари ташкил қилинди. Тумандаги хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар жамоаларининг саҳналаштирилган бадиий чиқишлари даврага жўшқинлик олиб кирди.

Байрам тадбирида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарифа Салимова, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоировлар иштирок этиб, дил сўзларини айтишди.

Байрам шукуҳи давом этмоқда

ЎзМТДП Паркент туман кенгаши томонидан байрам муносабати билан «Навбаҳор» қишлоғидаги кам таъминланган оилаларга, қарияларга моддий ёрдам кўрсатилиб, байрам совғалари топширилди. Партия аъзоси, паркентлик фидойи аёллардан бўлган Ҳакима Усмонова ҳам тумандаги кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотган кишиларга мурувват ёрдамларини кўрсатди.

Шунингдек, партиянинг туман кенгаши фаоллари туман ҳокимлиги, туман «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда бир неча оилага озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳозирда нафақада бўлган туман фахрийларига байрам совғаларини топширишди.

Гулгун РАҲИМОВА

Миллий тикланишт — миллат келажаги
MILLIY TIKLANISH

● *Самарқанд томонларда*

ПОХОЛДАН ТЎҒОН, ҚУМДАН ОМБОР БЎЛМАС

Сув қурилиш индустрия ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш ҳамиша долзарб вазифалардан бўлиб келган.

Ўзбекистон деҳқончилиги суғориш тизими ўзига хос мураккаб хусусиятларга эга. Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, оқар сувлар экинзорларга, асосан, ўз оқими билан эмас, балки инсон бошқаруви билан олиб борилади. Табиийки, бундай шароитда сув иншоотлари қурилиши: тўғонлар, омборлар, каналлар, сув-насос станциялари, бетонлаштирилган ариқлар, қувурлар ётқизиш сингари юмушлар доимий амалга оширилади. Кам ҳосилли-лалмикор ҳудудларни ҳисобга олмаганда, барча экинзорлар, боғроғлар сув билан ана шу тартибда таъминланади. Тўғонлар ёрдамида суғориладиган экинзорлардан ташқари ариқ, зовурлардан насослар ёрдамида юқорилатиб берилган сувдан фойдаланиладиган майдонлар, ер ости сувларини тортиб берадиган насослар ёрдамида суғориладиган экинзорлар ҳам мавжуд.

— Биргина Самарқанд вилояти мисолида олиб қарайдиган бўлсак, 61316 гектар ер насослар, 10098 гектар майдон эса ер ости насослари ёрдамида суғорилади, — дейди Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси бошлиғи Шермамат Суюнов. — Бунинг учун 88 та насос станциясидаги 367 дона турли русумдаги агрегатлар ишлатилади. Станцияларнинг умумий сув чиқариш қуввати секундига 186,65 метр кубни ташкил этади. Бундай ҳажмдаги юмушлар биздан она табиатга, сувга нисбатан доимо одилона муносабатда бўлишимизни талаб этади.

Дарҳақиқат, фақат экинзорларни эмас, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш тизимида ҳам қанчалаб иншоотлар тинимсиз ишлаб турибди. Шунинг учун ҳукуматимиз сув ресурсларини мҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида бир қатор қарорлар қабул қилган. "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида" қонунлар ҳам мавжуд. Табиатни асраб-авайлаш, уни инсон манфаатлари йўлида емирилиб кетишдан ҳимоялаш оқил тадбирлар қўллашга боғлиқдир.

Биз, аслида Самарқанд сув қурилиш индустрия ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасининг оғир дамлардаги чидамлари ҳақида гапирмоқчи эдик. Корхона фаолиятининг қанчалар аҳамиятга эга эканини тўлиқроқ англаш мақсадида сувдан фойдаланиш билан боғлиқ бир қатор масъулиятларни ҳам эсладик.

Бир пайтлар Фарҳод қўрғончасида жойлашган ушбу корхонада минглаб ишчилар тўхтовсиз ишлашган. 60-65 турдаги сув қурилиши маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Очиқ айтиш мумкинки, ўтиш даври буҳронларида қатор вилоятлардаги турдош бирлашмалар фаолияти тўхтаб қолди. Бинолардаги бошқа қурилишларга яроқли материаллар, ноёб жиҳозлар сотиб юборилди. Бундай талон-тарожликлар ҳамон давом этмоқда. Шу боисдан республиканинг айрим ҳудудларида суғориш тизими талабга жавоб бермай қолди: ерларнинг шўрланиши, ер ости сувларининг кўтарилиш ҳоллари давом этмоқда.

Бинолардаги бошқа қурилишларга яроқли материаллар, ноёб жиҳозлар сотиб юборилди. Бундай талон-тарожликлар ҳамон давом этмоқда.

Биз жамоа аҳли билан суҳбатлашиб, уларнинг кайфиятидан, режаларидан қувондик. Тажрибали қолипловчи Улуғмурод Солиев, кўтарма кран бошқарувчиси Али Халилов, ҳайдовчи Қодир Жўраев корхоналари омон сақлаб қолинганидан хурсанд.

Дарвоқе, асосан қишлоқ ва сув хўжалиги учун темир-бетон маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган ушбу бирлашма бинолари, жиҳозларига кўз олайтирганлар ҳам бўлди. Жамоанинг эртани ўйлаган, узоқни кўра олган, очиқроғи нафсини тия олган раҳбарияти уни ҳалокатдан олиб қола билди. Биз бу билан ҳеч кимни қаҳрамон даражасига кўтармоқчи эмасмиз. Фаолияти маълум вақт тўхтаб қолган цехлар кейинги йилларда қайта жонланиб кетганлиги, сув хўжалиги учун ноёб буюмлар ишлаб чиқарила бошлагани, ҳозирги шароитда салкам 300 кишининг доимий иш билан таъминланганини эътироф этмаслик ҳам инсофдан эмас.

— Буюртма асосида ишлаяпмиз, — дейди бирлашма бош муҳандиси Ражаб Боймуродов. — Цементни Навоийдан, металлни Бекободдан олаяпмиз. 2005 йилда 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Соф фойда 7 миллион сўмни ташкил этди. Бу жуда оз. Лекин оёққа қайта туриш даврида ёмон эмас. Бу йил ишлаб чиқаришни 1,5 баробарга ошириш имконига эгамиз. Қўшни вилоятлардан ҳам буюртмалар тушиб турибди, қаттиқроқ ишлашимиз зарур.

Бирлашма бош директори Мардон Кўзиев 2-3 йил ўтиб ишлари аввалги маромга келишига, балки ундан ҳам авжли бўлишига қаттиқ ишонади. Бунинг асосларидан биринчиси, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар изчил давом этаётганлиги, фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйиб, деҳқончилик маданияти янгича мазмун касб эта бошлаганидир. Сувни эндиги ер эгалари тежаб ишлатиш, бир қатрасини ҳам нобуд қилмаслик йўлларини қидиришмоқда. Янги-янги сув иншоотлари қурилиши давр талабига айланмоқда. Бунга қўшимча қилиб шуни ҳам айтишимиз мумкинки, ҳамон бузилиши давом этаётган қурилишлар ҳам поёнига етади. Эртага сув новлари, қувурлари, каналлар, қирғоқлар қопламалари сингари кўплаб маҳсулотлар, уй-жой қурилиши материаллари ҳам фақат буюртма билан топиладиган пайт келди. Қурилишларга янги, сифати юқори бўлган материалларни ишлатишни истовчилар кўпаяди. Бундай омиллар бугун жон сақлаб турган ноёб корхоналар иши ривож топиб кетишидан далолатдир, албатта.

Сув Марказий Осиё мамлакатлари ҳаётида ҳамма замонларда ҳам муҳим аҳамият касб этиб келган. Тараққиёт сувга бўлган муносабатларимиз юксалишини тақозо этаётган экан, бунда ривожланишни сув қурилиши индустрия ишлаб чиқаришисиз тасаввур этиб бўлмайди. Демак, бу соҳа ҳам тўхтовсиз ривожланиши, такомиллашиб бориши зарур. Ислоҳотлар изчил давом эттирилаётган даврда, машҳур ибора билан айтганда, эскисини бузмаганларнинг иши юришиши аниқ.

«ЁҒГАР» ИСТИҚБОЛИ

Ўтган хўжалик йилини барча соҳаларда ёруғ юз билан якунлаган қорақалпоғистонликлар Наврўз шодиёналарини бошқача бир кайфиятда нишонладилар. Қишлоқ хўжалигида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланилгани боис қорақалпоғистонлик пахтакорлар мисли кўрилмаган даражада яхши натижага эришдилар. Режага қўшимча яна ўн минглаб тонна пахта етиштирилди.

Пахта хом ашёси мўл бўлса, уни қайта ишловчи корхоналарнинг фаолияти мўътадиллашади. Биз Берунийдаги «Ёғгар» очиқ акциядорлик жамиятида бўлиб, бу даргоҳдаги ибратли ишларни қоғозга туширдик. Корхона фаолияти билан танишяпмизу ўчоқ бошида ош дамлаётган онахон кўз ўнгимиздан ўтади. Ҳа, ёғсиз қозон қайнамайди. Таомларимиз ёғ билан лаззатли. Корхонада эса катта ҳажмда ёғ ишлаб чиқарилаётир. «Ёғгар» очиқ акциядорлик жамиятида халқ эҳтиёжини озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда чорвачиликни озуқа билан таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилаётир.

Корхонада ўтган йили 38 минг 851 тонна чигит қайта ишланди. Чигитнинг сифатлилиги юқори бўлгани боис олинаётган маҳсулотлар — ёғ, кунжара, шелуханинг ҳам сифатидан мижозлар мамнун. Меҳнат унумдорлиги режада белгиланган ҳар бир ишчига 8 миллион 306 минг сўм ўрнига 10 миллион 476 минг сўмни ташкил этди. Корхонада 322 нафар киши ишлайди. Ўтган йил якунлари бўйича ҳар бир ишловчининг ўртача ойлик маоши 78 минг 347 сўмга етди. Қаерда ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимояси яхши бўлса, ўша жойда ишлар унум бераверади. Ҳар бир ишловчига кунига 750 сўмдан овқат пули ажратилган. Йил давомида 8 миллион сўм ўн учинчи маош берилди. 2 миллион сўм ёрдам пули тарқатилди. Рентабеллик даражаси 27 фоиздан ошди. Бир сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун 81 тийин сарфланди. Соф фойда эса етмиш миллион сўмдан ортиқ бўлди.

— Одамларнинг манфаатдорлиги ошгани сайин, ўз касбига меҳри ҳам ортаверади, буни ҳаёт тажрибаси исботлаган,— дейди жамият раиси Давлат ака Каримов. — Акциядорларга дивиденд сифатида 43 миллион 376 минг сўм ажратилди. Ҳар бир акцияга 3241 сўм 60 тийиндан дивиденд берилди. Бу кўрсаткич ҳар бир акциянинг номинал қийматига нисбатан 88 фоизни ташкил қилди.

Наврўз байрами муносабати билан кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга алоҳида эътибор берилаётганининг гувоҳи бўлдик. Байрамда барча ишловчилар ва меҳнат фахрийларига пул мукофотлари, совғалар улашилди. Тўкин-сочин дастурхон ёзилди. Корхонадаги шарт-шароит, ободончилик ва юксак дид билан қурилган, безатилган биноларни кўрган кўз қувонади. Яратилган шароитлар пойтахт Тошкентдаги илғор корхоналарникидан ўтса ўтади, қолишмайди. Ким билан суҳбатлашмайлик, бундай ривожланишни жамият раиси Давлат ака Каримовнинг раҳбарлик фаолияти билан боғлашаётир. Корхона ҳисобидан ишчи-хизматчиларнинг саломатликларини тиклаш учун сиҳатгоҳларга, дам олиш уйларига йўлланмалар берилди. Шу мақсаднинг ўзи учун 3 миллион 233 минг сўм сарфланди.

2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши корхонадагиларни руҳлантириб юборди. Кам таъминланган оилаларга, қариялар ва ногиронларга, бева-бечоралару меҳрибонларидан айрилганларга меҳр-мурувват кўрсатиш борасида корхонада алоҳида тадбирлар режалаштирилган. Демак, ҳали жуда катта савобли ишлар амалга оширилади.

Берунийдан ёруғ ниятлар билан қайтдик. Қорақалпоқ пахтакорларининг уйган хирмонлари янада баракали бўлсин, уларнинг қалблари қувончга тўлсин.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Суратда: *«Ёғгар» ОАЖ жамоаси*

Миллий анъаналарни ЭЪЗОЗЛАБ

Наврўз байрамини халқимиз азал-азалдан шоду хуррамлик, ҳазил-мутойиба, ўйин-кулгу, турли беллашувлар билан ўтказиб келган. Қутлуғ айёмнинг ёши, миллати, динидан қатъий назар ризқ-насибасини она-заминдан, табиатдан топувчи халқлар учун бирдай қадрли бўлишида ҳам ҳикмат кўп. Ҳар бир халқ, миллат, элат бу байрамда ўз миллий қадриятларини эъзозлаган, санъати, маданияти, спорт ўйинларини намойиш этган, удумларини кўз-кўз қилган. Халқона куй-қўшиқлар, самимиятга йўғрилган айтишувлар, ўйинлар, табиат билан руҳи ҳамоҳанг ижролар уйғониш фасли тантаналарига алоҳида шукуҳ бахш этган. Шу маънода халқ достончилигида дунёга танилган оқин Фозил Йўлдош ўғли яшаб ўтган Булунғур туманида нишонланадиган Наврўз тантаналари, халқ сайиллари ҳамон ўзига хос, бетакрор мазмун касб этиб келмоқда.

Бунда 1986 йилда ташкил этилган, 1988 йилда Халқ ансамбли унвонига сазовор бўлган «Чавқи» халқ фольклор этнографик ансамблининг хизматлари катта. Қатор бадиий жамоалар миллий анъаналаримизни унутиб, ғарб оҳанглари таъсирига берилиб, уларга очиқча тақлид қилишга ўтиб бораётган бир пайтда «Чавқи» қадимий термаларни, айтишувларни, лапарларни излаб топиш, тиклаш йўлида собит турибди. Халқ ансамбли аъзолари Воҳид Абдуллаев, Валижон Эрматов сингари ўқувчилардан тортиб, Яхшилик бобо Рискулов, Ҳолиқ бобо Жойноқов сингари 70-80 ёшдан ошган кексалардан иборат. Мусиқа асбоблари ҳам оддийгина ёғочдан, жундан ясалган. Оҳанглар жўрлиги қувноқ овозлар, қарсаклардан ташкил топган.

«Чавқи» жамоаси изланишлари самараси ўлароқ тикланган ижролар ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. «Йилбоши», «Пода тўп», «Бозор» сингари композициялар қадимий термалардан, айтишувлардан, ўйиндаги унутилиб кетиши мумкин бўлган ҳаракатлардан иборат. Уларнинг ҳар бири булунғурликларнинг узоқ ўтмиш ҳаёти, урф-одатлари, касбу корлари билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, «Пода тўп» бадиий дастурида ота-боболаримизнинг мол боқиш маҳалидаги ҳордиқ лаҳзалари ифода этилади. Подачи таёғи, йиғилган оши ҳалол солинадиган идиши, жундан ясалган тўп, қоринлари қозондай, киприклари сўзандай, анқиллаган овози мулла айтган азондай...», — деб мақтаса, даллол таърифни яна ошириди. Халқимизнинг миллий удумларига қизиқиши катта бўлган хорижлик мухлисларнинг «Чавқи» чиқишларига ихлоси баландлиги ҳам шундан. Халқ фольклор этнографик ансамбли 1996 йилда «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика кўрик-танловида кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди. 2002 йилда «Бойсун баҳори» очиқ фольклор халқаро фестивалида, 2003 йилда «Чарх миллий халқ ўйинлари ва рақслари» республика фестивалида қатнашиб махсус дипломларни қўлга киритди. Жамоа ҳар гал «Шарқ тароналари» халқаро фестивалининг тантанали очилиш маросимида ўз ижролари билан қатнашиб келади.

Чекка бир туманда ташкил этилиб, бугун юрт кезаётган «Чавқи»нинг шаклланишида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нурмамат Бойтўраев, фидойи санъаткор Сувонқул Абдуқодировларнинг хизматлари катта бўлганлигини эътироф этиш ўринли. Жамоа булунғурлик миллий маданиятимиз жонкуярлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатди. Бу эса ансамблнинг эртаси янада мазмунли бўлишидан далолат беради.

Ўктам ҚУРБОНОВ
«Миллий тикланиш» мухбири

● *Саломатлик бурчаги*

ХАФАҚОН КАСАЛЛИГИ

«Қон босими» нима? Унинг келиб чиқиш сабаблари қандай? Бу касалликни қандай аниқласа бўлади? Уни қандай даволаш мумкин? Мана шу каби саволларга саҳифамиз меҳмони Юнусобод тумани Марказий маслаҳат ташхис поликлиникасининг терапия бўлими бошлиғи Зулхумор Исроилова жавоб беради.

Қон босими — артериал босим, қон оқимининг артерия томирлари деворларига кўрсатадиган босимидир. Уни ўлчашда юқориги ва пастки босим қиймати эътиборга олинади.

Қон босими уч ва ундан ортиқ марта ўлчанганда, 138/83 миллиметрдан юқори бўлиши беморнинг қон босими юқори дейишга асос бўлади.

Артериал гипертония, яъни қон босимининг ошиши, халқ тили билан айтганда, хафақон касаллиги, асосан, ёши кексайиб қолган одамларда кўпроқ учрайди. Текширишлар натижасида 50-60 ёшдаги инсонларнинг 50 фоизидан кўпроғи шу касалликка чалинганлиги аниқланган. Артериал гипертониянинг келиб чиқиш сабабларини аниқ исботлаб берадиган жавоб ҳозирча топилмаган. Аммо артерия томирлари йўлининг торайиб, қон оқимига кўрсатадиган қаршилигининг кучайиши артериал босим кўтарилишига сабаб бўлиши ва бу нарса юракни зўр бериб ишлашга мажбурлаши маълум.

Одамнинг асаблари зўриқиши бош мия пўстлоғида турғун қўзғалиш ўчоқларини пайдо қилади. Узунчоқ миядаги асосий шаклланиш ва томирларни ҳаракатлантирувчи марказнинг мана шу жараёнга тортилиб кетиши томирларни ҳаракатлантирадиган марказий унсурларнинг ҳолдан тойишига, уларнинг атрофдаги асабни қўзғатувчи таъсирларга одатдагидан бошқача жавоб беришига олиб келади. Бу эса томирлар уришининг кучайиб, торайиш ҳолатига тушишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, асабларнинг зўриқиши, ҳис–туйғуларнинг қўзғалиши буйрак усти безларига ҳам таъсир кўрсатиб, мия қатламида кўп миқдорда адреналин ва норадреналин ажралиб чиқишига сабаб бўлади. Бу ҳолат бош мия, юрак, буйрак каби бошқа аъзолардаги томирларнинг торайиб қолиши ва танадаги айрим аъзоларнинг ҳаракати сустлашишига олиб келади.

Гипертония касаллигининг авж олиб боришида атеросклероз ҳам бир қадар аҳамиятга эга. Бу касалликда томирларнинг юмшоқлиги ва чўзилувчанлиги бузилади.

Организмда томирлар тонуси уйқу артерияси, аорта равоғида ва кавак веналарнинг қуйилиш жойларида ўрнашган таъсир кўрсатувчи нуқталар иштирокида ўз-ўзидан бошқарилади. Қон томирлари фаолиятини идора этувчи ана шу қурилмалар сезувчанлигининг пасайиб кетиши артериал босимнинг юқори бўлишига олиб келади.

Артериал гипертония касаллигини пайдо қилиши мумкин бўлган омилларга атеросклероз, хасталикнинг наслдан наслга ўтиши (ирсият), семизлик, кам ҳаракат қилиш, таомнинг шўр, аччиқ ва ўта ёғли, кучли бўлиши, асаб тизимининг бузилиши (стресс), спиртли ичимликлар ичиш ва тамаки чекиш кабилар киради.

Артериал босим белгисиз, аста-секин кўтарилиб боради. Баъзан унинг кўтарилганлиги ўлчаб кўрилгандагина билинади. Баъзи беморлар артериал босимлари кўтарилганда, бошнинг оғриши ва айланиши, кўнгил айниши, қулоқлари шанғиллаб, юракнинг санчиб оғриши, ҳаво етишмаслигидан шикоят қиладилар. Лекин бу аломатларнинг йўқлиги артериал босимнинг меъёридалигини билдирмайди.

Артериал босимнинг кўтарилиши инсульт, юракнинг ишемия касалликлари, стенокардия, миокард инфаркти, юрак ҳамда буйрак касалликларини келтириб чиқариши билан хавфлидир. Масалан, миокард инфарктига учраган ва инсультни бошидан кечирган беморларнинг аксариятида артериал босимнинг юқорилиги аниқланган.

Касалликнинг бошланишида қон босими томирлар девори қисқариб, торайиши туфайли кўтарилади. Бу пайтда касалликни тўлиқ даволаш мумкин. Артериал босимнинг ҳамиша юқори бўлиб туриши томирлар деворларида ёғ моддаларининг тўпланишини тезлаштириб, атеросклерозни келтириб чиқаради. Бундай ҳолатда юрак томирлари зарарланса, стенокардия ва миокард инфаркти рўй беради. Бош мия томирлари зарарланганда эса хотира пасаяди, мия инсульти хавфи ортади ва кўзнинг ожиз бўлиб қолишигача олиб келади. Шу боис қон босимини доим назорат қилиб туриш лозим бўлади. Бундай касаллик билан оғриган беморлар тамаки чекишдан, спиртли ичимликларни сурункали ичиб юришдан, ортиқча семиришдан, шўр ва аччиқ таомларни истеъмол қилишдан доимо сақланиши керак бўлади. Яна ҳаётда юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай нохуш ҳолатларда ҳам ўзини тута билмасликлари хафақон касаллиги келиб чиқишининг бош омил ҳисобланади.

Бу касаллик билан оғриган беморлар шифокор тавсия қилган зарур дориларни ўз вақтида ичиб тургандагина инсульт ва миокард инфаркти хавфи камаяди. Бемор доим шифокор назоратидан ўтиб туриши, шифокор тавсия қилган дориларни узоқ вақт ичиб юришдан чўчимаслиги лозим.

М.РАҲМАТОВ ёзиб олди

• *Бу китобни ўқинг*

БОБУР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Муаллиф ҳақида:

Сайфиддин Ҳожи Жалилов Андижон фарзанди, бобуршунос олим. Бобур ҳақида бир қатор китоблари нашр этилган. «Бобур ва Андижон», «Бобурнинг Фарғона давлати», «Бобур ва Юлий Цезар» номли китоблари ва юзлаб мақолалари билан элга танилган. Кейинги йирик асари 2004 йили халқаро Бобур мукофотига сазовор бўлди.

Муаллиф "Шуҳрат" медали, "Меҳнат шуҳрати ордени" соҳиби. Ҳозирда Бобур номли Андижон Давлат университетининг фахрий профессори.

Бобур... Киндик қони Андижонда тўкилган бу буюк инсоннинг номи ардоқланадиган даврга ҳам етиб келдик. Аммо шу давргача не-не даҳоларимиз ҳақида гўё «ўтмишни идеаллаштирмаслик» учун қўрқа-писа, бор ҳақиқатни айтолмай, гапларимизни маълум бир партия кўрсатмасига асосан ясалган сохта андозага солиб айтадиган даврни бошдан кечирдик. Давлатимиз мустақилликка эришгач, асрий орзулари рўёбга чиққан халқимизнинг бой тарихи тикланмоқда. Бошқа буюк даҳоларимиз сингари ватандошимиз Бобур ҳам ўз юртига қайтди.

Бир қатор жиддий асарлари билан элга танилган бобуршунос олим, Бобур номли халқаро жамғарма раёсати аъзоси, халқаро илмий экспедициялар қатнашчиси, профессор Сайфиддин Жалилов бу буюк инсон фаолияти ва у яшаган давр ҳақидаги сўнгги тадқиқотларини бир китобга жамлади. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан йил бошида чоп этилган бу китоб жозибали безакларидан ташқари унда баён қилинган янги маълумотлар билан ҳам бошқа тарихий адабиётлардан ажралиб туради.

Муаллиф Фарғона мулкининг Умаршайх Мирзо даври ҳақида маълумот берар экан, улуғ соҳибқирон Амир Темурдан сўнг Мовароуннаҳр вилоятларидаги аҳволнинг ночор ҳолга тушиб қолгани, ўқувчиларни ҳам бефарқ қолдирмайдиган сиёсий парокандалик кўз ўнгимизда гавдаланади. Соҳибқироннинг чевараларидан, анчагина истеъдодли Абу Саид Мирзо 1462 йили ўғли Умаршайх Мирзони Фарғона мулкининг ҳукмрони этиб тайинлади, шу йилдан Бобур Мирзонинг отаси 32 йиллик ҳукмронлик даврини бошлади. Муаллиф ушбу давр ҳақида мухтасар маълумот берар экан, китобхон кўнглида беихтиёр Фарғона водийсига муҳаббат уйғонади.

Китобнинг «Рўшнолик кўрмаган ёшлик» деб аталган бобида Бобур таваллуди, унга исм қўйиш маросими, кутилмаганда 12 ёшли боланинг подшоҳлик тахтига ўтириши, оқибатда ёш Бобурнинг бошига тушган савдолар, уларни бартараф қилиш жараёнида Бобурнинг бўлғуси давлат арбоби ҳамда лашкарбоши бўлиб чиниқиши мисоллар билан баён этилган.

Китобнинг кейинги бўлимлари ҳам аниқ маълумотларга бой. Китобда Бобурнинг она шаҳри бўлмиш Андижон ҳақида сўз боради. У Андижоннинг ўша даврдаги ҳолати: арки-ю мудофаа деворлари, ҳунармандчилиги, сув таъминоти (машҳур «тўққиз тарнов» — ариқларнинг аниқ номлари келтирилган) ва бошқа кенг ўқувчилар оммасига яхши маълум бўлмаган маълумотлари билан янада қизиқарли. Китобнинг бир боби «ЮНЕСКО» томонидан «Буюк ипак йўли» бўйлаб уюштирилган халқаро экспедициянинг Андижонда бўлишига бағишланган.

Андижоннинг Хўжаобод тумани ҳудудида, тоғ ёнбағрида «Дилкушод» номли оромгоҳ қишлоқ бор. У «Бобурнома»да «Лотконкент» деб тилга олинган. Китобнинг яна бир бобида «Лоткон» археологик ёдгорлигида муаллиф олиб борган текширишлар ва Бобурнинг бу қишлоқда қўшини билан бир кеча тунаб ўтгани ҳақида қизиқарли тафсилотлар баён қилинган.

Китобнинг бошқа бир боби Бобур тушлари ҳақидаги башоратлар тафсилотига бағишланган. Бобур Самарқандни қўлга киритиш иштиёқида юрганида пири Хожа Аҳрор Вали тушига кириб, унга мадад бергани ёки Бобур асирга тушиб қолганида туш кўриши, унга мадад куч келаётганининг башорат бўлишига ўхшаган ҳолатлар фақат эътиқодли ва дили пок инсонлар ҳаётида бўлиши мумкин. Асарда муаллиф Бобур тушларининг тафсилотига ҳам тўхталган, ўқувчи бу тафсилотлар билан танишар экан, Бобур шахсининг буюклигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Китобда Бобур Қобулда эканида катта қабристонда ин қуриб олган ва содда одамларни лақиллатиб тирикчилик қиладиган шайхнинг кирдикорини фош қилиб бергани ва шу каби қизиқарли ҳаётий мисоллар ҳам келтирилган. Муаллиф китобда шоҳ ва шоир, ҳарбий саркарда ва олим, уламолар орасида билимга чанқоқ толиб, дўстлар ўртасида эса хушчақчақ ва ажойиб улфат бўлмиш Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шахси ҳақида ҳам қизиқарли маълумотларни баён қилган. Бу китобни ўқисангиз, Бобурни қайта кашф қилгандек бўласиз.

Ғавҳар ДИЛМУРОДОВА

• *Севги саргузаштлари*

МАКРИ ЁҲАББАТ?

Ҳабиб ТЕМИРОВ

Бу воқеалар Меҳрига худди тушида юз бераётгандек туюларди. «Чиндан ҳам бир сўзли одам экан, Нўён афанди», деб ўйларди у. Яна ўйлардики, хўш, шундай одамнинг хотини бўлсанг, ёмонми? Қироличалар сингари яшайсан-ку. Еганинг — олдингда, емаганинг — ортингда. Дунёни кўрасан. Болангни яхши жойларда ўқитиб, яхши одам қилиб улғайтирасан. Дарвоқе, у Нўён афандининг шу пайтгача неча марта уйлангани, болалари нечта эканини Латифахонимдан сўраб олди.

— Уч хотиндан ўн бир боласи бор, деб эшитганман. Сан қизим, тўртинчи хотин бўласан. Мусулмончиликда тўртинчи хотин — охирги шаръий хотин ҳисобланади. Кенжаси суюкли бўлажак...

Меҳри кулди. Кейин йиғлаб юборди. Куни кеча Абдувалига кўнгли суст кетганини эслади. У ёш, чиройли. Прокуратурада ишлайди. Мана бу одам эса...беҳисоб давлати бўлса ҳам... қум устига қурилган омонат уйга ўхшайди. Бир кун келиб... бир тепсанг қулаб кетадигандек. Унинг бутун асъаса-ю дабдабаси вақтинчадек туюлади.

Абдували — давлат одами. Давлат эса дунё турғунча туради. Давлат одамида... катта мол-давлат бўлмаса ҳам қудрат бўлади. Қудрати бор кишига эса молу давлат йиғиш чўтми? Лекин...

Тақдирга тан беришдан бошқа иложинг йўқ, деб ўйлади у. Абдувалининг умидида бўлишинг бефойда. У... Нўён афанди қаршисида гумаштадек бир гап. Чорбоғ ҳам, эҳтимолки, Абдували миниб юрган машина ҳам уники. Бу ёқларда шунча дов-даска. Қизиқ, қаёқдан орттирди экан шунча бойликни?..

Тошкент аэропортида уларни ҳеч ким кутиб олмади. Латифахоним қўнғироқ қилгани қайгадир кетди. Кейин кўзлари қизарган ҳолда қайтиб, деди:

— Қизим... жоним... Нўён афанди... тўсатдан қазо қилибди... Нарёқда...

— Вой, нега... қазо қилади, — деди беихтиёр Меҳри. — Касал эмасдилар-ку?

— Юраги... озроқ безовта қилиб турар эди боя қишни. Биз кетгач хуруж қилган экан. Берлинга олиб боришган. Лекин... бўлмабди.

— Энди... мен... биз нима қилайлик бўлмаса?

— Бизлар энди Истамбулга қайтайлик... — Сен қизим... болангни олиб, тезроқ ота-онангникига жўна! Зарур бўлсанг, ўзим излаб топаман. Изламасам ҳам... хафа бўлмайсан!

— Худо хайрингизни берсин!..

— Жўна бўлмаса! Тезроқ!

Латифахоним қўриқчи йигит билан навбатдаги рейслардан бирига чипта олиш учун аэропорт биносига қайтиб кириб кетишди. Кутиш майдонида бир зум саросималаниб турган Меҳри боласининг қўлидан етаклаб, бекат сари кетди.

10. МАЖҲУЛЛИК

— Мана шу бўлган ҳамма воқеа, — деди ҳикоясини тугатиб Меҳри.

— Демак, сиз Абдували билан охирги марта у ёққа жўнаб кетишдан олдин, аэропортда кўришган экансиз-да?

— Ҳа. У киши, «ўша ёқда учрашамиз», деб ишонч билан гапирган эди. Лекин... негадир бормади. Мен нозик жойда ишлайди, жавоб ололмагандир, деб ўйладим. Ўзим... изламаб келдим охири.

Мен Абдувалининг ғойиб бўлганини Меҳрига айтиш керакми, йўқми, деб бир оз ўйланиб турдим. Охири чидаб туролмадим.

— Ахир... ахир у меҳнат таътилига чиққан экан. Ишхона ва уйдагиларга санаторийда дам олаяпман, деган. Демак, у сизнинг орқангиздан кетган бўлиши керак. Наҳотки, ўша ёқда учрашмаган бўлсаларингиз? Ё менга ҳамма гапни аниқ айтмаяпсизми?

— Вой, қизиқмисиз? Менга ёлғон гапиришнинг нима кераги бор? Ахир... айтдим-ку, Абдували ака сизларни қидириб топаман, деганди, лекин бормади, шунинг учун ўзим қидириб келдим, деб.

— Айтинг-чи, Абдували сизга «У ёқда дўстим кутиб олади», дегани тўғрими?

— Тўғри.

— Лекин сизни Латифахоним, деган аёл кутиб олган-ку. Буни қандай тушунмоқ керак?

— Мен ҳам бу ҳақда кўп ўйладим. Охири «дўстим» деганлари Латифахоним бўлса керак, деган хулосага келдим. У киши жудаям баъмани, яхши аёл экан.

— У билан Абдували ҳақида ҳеч гаплашдингизми? Танирмикан?

— Йўқ. Гаплашмадим. Абдували ака «Мен ҳақимда ҳеч жойда гап очманг», деган. Фақат... Нўён афанди бир гал «Абдували менинг қўлимдаги одам, уни ўзим катта қилганман», деганди.

Миямга кутилмаганда ғалати бир савол келди.

— Айтинг-чи, Меҳрихон, Нўён афанди қароргоҳидаги одамлар қанақа кишилар? Улар орасида бирортасини илгари учратмаганмисиз?

— Бир қисми ўша ерлик, маҳаллий одамлар. Ёрдамчи ва қўриқчилари кўпчилиги ёш йигитлар. Улар шу ерлик, ўзи билан бирга боришган.

— Ўшалар орасида бирорта ҳам таниш чеҳра учрамадими, яхшилаб эслаб кўринг. Эҳтимол ўшанда хаёлингиз бошқа фикрлар билан бандлиги туфайли эътибор бермагандирсиз.

Меҳри ўйланди. Эслашга тиришди. Кейин бош чайқади.

— Йўқ. Ҳеч кимни. Фақат... йўқ-йўқ. Ҳеч кимни!

— Ҳар қалай, кейин яна эсланг. Бу жуда муҳим. Энди сизга яна бир-икки нозик саволлар бераман. Малол келмаса жавоб қайтаринг. Малол келса, ўзингиз биласиз.

— Майли...

— Абдували... Сизга «яхши кўраман, уйланаман», деган мазмунда гапирган эмасмиди? Умуман, муносабатларингиз... қанақа эди?

— Бунинг нима аҳамияти бор, — деди Меҳри қизариб.

— Аҳамияти шундаки, айрим кишилар сизларни биргаликда хорижга қочиб кетган, деб гап тарқатиб юришибди.

— Ё тавба! Мен мана шу ердаман-ку!

— Мен миш-мишларга ишонганим йўқ. Лекин биласизми, сизнинг атрофингизда жудаям катта, қонли бир ўйин кетаётганга ўхшайди. Сизга ким яқинлашса, эгалик қилмоқчи ёки... муҳаббатингизга сазовор бўлмоқчи бўлса, фалокатга учраётир. Ё ўлади, ё қамалади, ё йўқолади. Тушунаяпсизми? Фақат кўнглингизга олманг. Хўш, энди ростини айтинг, Абдували Сизга муҳаббат изҳор қилганмиди?

— Йўқ. У киши... шунчаки... мени ёқтиришини айтган. Бу муҳаббат изҳор қилиш, дегани эмас-ку? Тўғрими?

— Тўғри. Эркак зотининг фожиаси бу. Аввал шунчаки ёқтиради, кейин балога гирифтор бўлади. Хўп, сиз-чи, сиз нима дедингиз?

— Мен ҳам... ёқтирганман у кишини. Лекин... аниқ жавоб берганим йўқ саволларига.

— Нима савол берганди?

— «Мен сизга ёқаманми?» — деган.

— Тушунарли... Сўнгра у сизга «Мен сени қаттол иблиснинг қўлидан қутқараман», — деб ваъда берган, шундайми?

— Шундай.

— «Бунинг учун унинг ёнига боришинг керак, илонни ўз уясида янчамиз», — деган. Тўғрими?

— Йўқ, айнан шундай деган эмас.

— Шунга яқинроқ гап бўлган-ку. Шундай эмасми?

— Ҳа.

— Демак... Абдувалининг аниқ режаси бўлган. Бироқ бу режа... амалга ошмай қолган...

— Нега? Нўён афанди ўлди-ку...

— Уни Абдували ўлдирган, деб ўйлайсизми?

— Билмадим...

— Мен ҳам билмайман. Лекин тахмин ва фаразлар шундан далолат бермоқда...

Шундай қилиб, менинг кўз ўнгимда воқеаларнинг тахминий баёни қуйидагича намоён бўлди.

Абдували «Уста»ни йўқ қилиш учун хорижга боради. У бир йўла ўзини мудом шантаж қилиб, «қармоқда» ушлаб юрган одамдан қутулиш ва Меҳрини унинг чангалидан қутқариш ниятида бўлган. «Уста» ундан хавотирланмаслигидан фойдаланишни мўлжаллаган. Чамаси «Уста»ни у ўлдирган. Табиийки, «Уста»нинг қўриқчи ва тансоқчилари унинг ўзини ҳам соғ қўйишмаган.

(Давоми келгуси сонда)

(Боши ўтган сонларда)

· *Тасвирсиз тасвир борми?*
· *Европанинг уч, Шарқнинг икки ўлчами*
· *Модерн... Унинг немисча, испанча, инглизча моделлари ёки жаранглари*
· *Тасвирлаш терминининг нимаси нотўғри?*

МОДЕРН ВА МИНИАТЮРА

Миниатюра ва Шарқ санъати асосида нақш принципи ётади. XIX аср охири, XX аср бошларида Европа тасвирий санъатига модерн санъати кириб келди ва тасвирда етакчи ўринни эгаллади. Модерн атамаси Европада ўнга яқин давлатда кенг тарқалган бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўзига хос талқин қилинади. Яъни у немисча, инглизча, испанчада ҳам ўзига хос маъно кашф этади. Рассомлар даврасида орнамент ўрганила бошланди. Тасвирлаш терминининг нотўғри эканлигини А.Матисс ўз ижодида исботлаб берди.

XX аср бошларида В.Кандинский Европа тасвирий санъатининг асосини, негизини ҳаракатга келтириб, тафтиш қилиб, тамоман бошқа принцип мавжуд. Ислимий ва грих. Мазкур икки тамойил орнаментал санъат негизини, унинг ички қонуниятларини, тараққиёт йўлларини ўзида мужассамлаштиради. Унинг барча ўзига хос йўналишлари, унсурлари ва нюанслари шу икки принцип асосида, унинг ичида юз беради.

Миниатюра мазмунининг асоси нақкошликка бориб тақалар экан, ўрта асрларда миниатюрачиларни нақкошлар дейишлари бежиз эмас. Эронда ҳозир ҳам миниатюрачиларни нақкошлар дейишади.

Нақш принципи нафақат текисликда, яъни текис тасвирларда холст юзасидаги композицияларда, балки ҳайкалларда ҳам унинг ўзига хос ритмик қайтарилишлари, нисбатлари ётади. Ҳайкалнинг бўйи, бўйининг чўзилиши ва ҳоказолар.

Орнамент ўзи нима? Тасвирий санъат ичида иккита принцип, икки йўналиш, бирбиридан фарқ қилувчи ҳолат бор. Европа услубидаги тасвирий санъат ва орнаментал санъат. Тасвирий санъат материалга ишланади. Масалан, холст, тош, гранит, ёғоч, металл ва ҳоказоларга. Орнаментда эса материал йўқ. Сополни жиҳозлашда, унга пардоз беришда безак сифатида орнаментдан фойдаланилади.

Нақшнинг материали, жисми бўлмаганлиги учун бирор жисм воситасида яратиладиган тасвирий санъат асарлари нақшли ҳошия ичига кириб кетган, яъни атрофи орнаментал безалган ҳолатда талқин этилади. Ҳайкаллар — рельф, баральеф, горельефларнинг маълум бир доираси — чегара ичида тасвирланаркан, шу ташқи олам, бўшлиқдан, кенгликдан ажратиб турувчи, уларни бўрттириб кўрсатувчи чегара сифатида нақш принципларидан фойдаланилади. Ҳошияси, чет чизиқлари, рамаси орнаментал пардоз билан ниҳоясига етказилади.

Хўш, орнаментнинг моҳияти нимада? Параллел санъатлар ичидан нақшга ўхшаш хусусиятларни топишимиз мумкин. Масалан, адабиётда ифоданинг икки хусусияти, услуби мавжуд. Нақкошликда ҳам худди шу хусусият мавжуд, у энг қадимий, туб томири билан азалийдир. Инсон икки чизиқ чизса, орнаментга асос солган дейиш мумкин. Нақшнинг шеърият билан боғлиқлиги уларнинг туб негизи, моҳияти бирлиги, унинг яна бир хусусиятини очиб беради. Чунки орнамент худди шеърият каби бир дақиқалик, сониялик руҳий ҳолатни, тутқич бермас туйғулар тимсолини ўзида ифодалайди.

Шеъриятни метафора, киноя, истиора, бўрттириш, ритмик хусусиятлар яшириниб ётган қофия, сўзларнинг шаклан ўйинисиз қабул қилиш мумкин эмас. Худди шу нарсалар, хусусиятлардан орнаментда қочиб, четлашиб, бир сониялик ҳиссий ҳолатдан халос бўлиб моҳиятан адабийликка, боқийликка боғлиқ бўлган хусусиятни ифодалаш мумкин.

Энди Европа тасвирий санъати ва нақкошликни бирбирига солиштириб кўрайлик. Биринчиси — кўрган нарсани ишлайди, унинг руҳий оламига киради. Иккинчиси — онгида трансформация қилади, ўзгача бир шаклни ифода этади. Миниатюра агар нақкошликнинг хусусиятлари, қонуниятларига бўйсунса, у билан манзил, мақсад ва моҳиятан яқин бўлса, демак, у поэзия экан. Европа рангтасвири уч ўлчамли. Миниатюра, Шарқ тасвирий санъати принциплари, асосларини таҳлил қилсак, у икки ўлчамдан иборат. Европа рангтасвири вақт масаласига бориб тақалади. Чунки уч ўлчамли тасвир вақт билан боғлиқ, ажралмас ҳолатдир. Кенглик ва замон бир бутун, ягонадир. Бири бирисиз мавжуд эмас. Уч ўлчамли тасвир муҳит билан боғлиқ. У эса маълум пайт билан боғлиқдир. Европа рангтасвирида пайт масаласи конкрет қўйилган. Насрда вақт бор. Ҳикоя, романда пайт масаласи мавжуд. Унда муайян воқелик, маълум бир даврни, дақиқани, сонияни ўз ичига олади. Журналист ҳам маълум давр оралиғидаги воқеани гапириб беради. Шеъриятда эса вақт тушунчаси мавҳум бўлиб, гоҳ муҳитдан, гоҳ келажакдан хабар бериши мумкин.

Орнамент (нақш)да воқелик йўқ. Қайси вақтга дахлдорлиги мавҳум, нореалдир. Миниатюрада ҳам худди шу ҳолат, нақкошликдаги каби кайфият мавжуд. Масалан, илк ўрта асрлар акс этганини биламиз. Лекин аниқ вақт йўқ.

Европанинг уч ўлчамли рангтасвирида миниатюрадаги жимжимадорлик, жозиба тасвири қолмайди. Масалан, меъморчиликдаги пештоқнинг бино танасидан бўшлиқ, ҳавонинг ичига бўртиб кирганлиги эмас, балки шу пештоқнинг шакли, унинг ўзига хос жозибаси, ички элементлари киши эътиборини ўзига тортади. Миниатюрада унинг пластик ечими чегарасидан ичкаридаги одамнинг юзи, қўли, гавдаси ҳолатнинг ичида кўринади. Шунинг учун ҳам бу миниатюра улуғворлик касб этади.

Миниатюра бугунги кун учун универсал, ҳикоянависликдан, ҳижжалаб тасвирлаш услубидан, табиатдаги жонзотлар, кўриниш ҳолатларни кўчириш, ўзига ўхшатиб ишлашдан холи, проза эмас, шоирона руҳ, ижодкорона хусусиятни ўзида мужассам этган йўналишдир. Айнан ўзига ўхшатиш кўпроқ фотографияга мансуб бўлиб, бунинг учун ижодкор бўлиш шарт эмас, балки ҳунарманд даражасида ўз касбини пухта эгаллаш ҳам кифоя. Пластик даражага кўтарилиш учун эса ижодкор тасвирни ўз фантазияси билан бойитиши, унинг руҳига кириши даркор. Миниатюрада шахс билан индивидиум киришган, қоришган бўлиши шарт. Кўрилган ҳолатни бойитиб, унга янги руҳ бериб, қайта туғилган маънавий оламни ўз изланишларида баён этиш, ёритиш янги «жон ато этиш» демакдир. Ҳунармандлик эса тамоман бошқа нарса. Бугунги кунда кенг тарқалган, ўрта асрларда ўзининг юксак поғонасига кўтарилган миниатюра санъатини ўйламай-нетмай, қандай бўлса шундайлигича қайтариш, уни қайта ташбеҳ қилиш ҳунармандчиликнинг худди ўзгинаси. Уни механик ҳолатда кўчириш, унга қайта «жон беришга» интилмаслик, ўликни пуллаш деган гап.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ

Milliy tiklanish — миллий тикланиш — миллий кенгаш

● *Муштарий илҳоми*

Бир кун...

Назира БОЙМУРОДОВА

Бир кун соғинасиз кулгуларимни,
Қадрлай бошлайсиз туйғуларимни.
Шўх кулиб юлдузга айланиб қолсам,
Тутиб ололмайсиз ёғдуларимни.

Соғинчдан йўқотиб қўясиз ўзни,
Жовдираб ҳар томон ташлайсиз кўзни.
Кўнглингиз тиласа бир сирдош дўстни,
Яна соғинасиз шул содда қизни.

Синиқ бахт мўлтирар кўзларингиздан,
Ёлғон ҳиди келар сўзларингиздан.
Сиз кўнглин оғритган ўша қиз қолиб
Армонлар эргашар изларингиздан

Ҳаловат излайсиз, роҳат топмайсиз,
Митти жуссангизга тоқат топмайсиз.
Тизгинсиз хаёллар таъқиб этганда,
«Менга суян» деган бир мард топмайсиз.
Афсус... энди мендек ҳамдард топмайсиз.

* * *

Рўзғор халтасини ямаб бўлмайди,
Нафсни бир хумчага қамаб бўлмайди,
Ташвишларга тугма қадаб бўлмайди,
Турфа юмушлардан бездингми, аёл?
Баҳор келганини сездингми, аёл?

Чечаклар пойинга поёндоз бўлмиш,
Ўсмалар қошинга зўр пардоз бўлмиш,
Жилғалар кулгунга сарафроз бўлмиш,
Водийларни бир бор кездингми, аёл?
Баҳор келганини сездингми, аёл?

Кулгингда кўкламнинг шавқи кўринмиш,
Қалбингда ҳаётнинг завқи кўринмиш,
Кўзингда муҳаббат шавқи кўринмиш,
Ошиқлар тинчини бузмадингми, аёл?
Баҳор келганини сездингми, аёл?

Сенга интилганлар саодат топур,
Ором ахтарганлар ҳаловат топур,
Севгингдан ошиқлар садоқат топур,
Ишқ боғидан ғунча уздингми, аёл?
Баҳор келганини сездингми, аёл?

ЧОЙНИНГ ФОЙДАСИ КЎП

Бирор кунингизни чойсиз тассавур этиб кўринг-а? Бунинг сира иложи бўлмаса керак. Чойга бизнинг шароитимизда оддий ичимлик сифатида эмас, балки одамлар ўртасидаги муносабатни белгиловчи восита сифатида ҳам қарашади. Масалан, қайси миллатнинг бизникидек чойхонаси бор? Яна қайси миллат келиннинг қўлидан бир пиёла чой ичишни бизнинг халқимиздек орзу қилади экан?

Чой шундай ажойиб неъматки, ичган кишига чинакамига ҳузур бахш этади. Агар ҳаво совуқ бўлганда чой ичилса, танага иссиқ югуради. Ҳаво иссиқ пайтда чой ичилса, тана салқинланади. Қорин очлигида ичилса, очлик сезилмайди. Овқатдатдан сўнг ичилса, овқатни ҳазм қилишга ёрдам беради. Ҳориган пайтингизда чой ичсангиз, чарчоғингиз ёзилади.

Унинг шифобахшлиги халқимизга қадим-қадимдан маълум. Олимлар чойда 120 хил фойдали моддалар борлигини аниқлашган. Булар экстрактив моддалар деб аталиб, дамланганда қайноқ сувда эриб, ранг беради. Бу моддалар чой совугандан сўнг идиш тагига чўкиб қолади. Чой ичилган пиёлада қоладиган қизил қуйқа ана шу моддалардир. Баъзилар буни зарарли деб ўйлашади. Аксинча чойнинг энг фойдали моддаси ҳам шу. Бу модда овқатни ҳазм қилишда фаол иштирок этади. Халқ ичида «Чойнинг охирини бировга берма» деган гап шундан келиб чиққан бўлса керак.

Яна чойдаги фойдали моддалар бири — таниндир. Замонавий медицинада ошқозоничак кассаликларини танин ёрдамида даволашади.

Шунингдек, чой асаб системалари ҳамда юрак фаолиятини ҳам яхшилайди. Чой ичиш эт ва мушаклар бўшашиб кетишининг олдини олишини ҳамма ҳам билмаса керак. Бундан ташқари, чойнинг таркибидаги дармондорилар шол бўлиб қолишнинг ҳам олдини олар экан. Яна у жароҳат, яра ва синган суякларнинг тезроқ битиб кетишига ёрдам беради, аъзоларимизни чарчашдан сақлайди. Агар чой таркибидаги С витамини организмда етишмаса, кишининг милклари ҳилвираб, тишлари тўкилиб кетади, яъни у цинга касалига мубтало бўлади. В2 витамини эса тинмай кўздан ёш оқиб туришидан, лабларни бичилиб кетишидан асрайди. Маълумки, замонавий тиббиётда хафақон касаллиги ҳамда зеҳн пасайиши каби оғир касалликларни даволашда никотин кислотаси, яъни РР дармондориси билан аскорбин кислотаси деб юритилувчи С дармондориси бирикмасидан иборат дорилар тавсия этилади. Чойда эса улар табиий равишда мавжуд.

Хуллас, бу неъматнинг турган-битгани фойда экан.

О.ЖАББОРОВ

● *Мини-футбол*

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ТОШКЕНТДА

Шу йилнинг 21-27 май кунлари Тошкент халқаро нуфузли мусобақага мезбонлик қилади. Пойтахтимизда мини-футбол бўйича саккизинчи Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

Мазкур чемпионат барча халқаро талабларга жавоб бера оладиган Юнусободдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтказилади. Бугунги кунга келиб халқаро турнирни юқори савияда ўтказиш борасида тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Чемпионатда қитъанинг ўн олти жамоаси бош совринни қўлга киритиш учун майдонга чиқади. Уларнинг ўн иккитаси ҳозирдан маълум. Булар — Осиё чемпионатининг етти карра чемпиони Эрон, шунингдек, Япония, Таиланд, Қувайт, Хитой, Ливан, Ироқ, Хитой Тайпейи, Фаластин, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон. Қолган тўрт жамоани ўтиш мусобақаларида ғолиб чиққан мамлакат вакиллари ташкил этишади.



Юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган мини-футболчиларимизга мазкур мусобақанинг олтин медалини қўлга киритишда омад тилаймиз.

● *Бокс*

ТЕМУРНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Ҳозиргача профессионал боксда бирорта ҳам мағлубиятга учрамаган юртдошимиз Тимур Ибрагимов ўзининг навбатдаги жангида ғалаба қозонди.

Машҳур мураббий Панама Льюис қўли остида тайёргарлик кўраётган Тимурга америкалик Кенни Крейвен рақиб бўлди. Ҳамюртимиз «жанг» аввалидаёқ америкаликдан устун эканлигини намойиш этди. Кетма-кет берилган зарбалар оқибатида Крейвен учинчи раундга чиқишдан бош тортди ва Тимурга техник ғалаба ёзилди. 22 бор рингга чиққан Тимур мағлубият нималигини билмай келмоқда. Эндиги «жанг»ини 24 июнда ўтказадиган ҳамюртимизга яна бир америкалик Кельвин Брок рингда қаршилик қилиши мумкин. Бу боксчи сўнгги йилларда америкаликларнинг «ёқимтой»ига айланиб бормоқда. Тимур Ибрагимов кейинги учрашувларда ўзининг муваффақиятли юришини давом эттиради, деб ишонамиз.

С.ШОШИЙ тайёрлади

БИЛАСИЗМИ?

НЎХАТГУЛНИНГ КАРОМАТИ

Ёз кунлари пашшалардан безор бўлсангиз, бунинг йўли жуда осон. Ҳеч қандай заҳарли дорилардан фойдаланишга ҳожат йўқ.

Нўхатгулнинг бир дастасини хонангизга олиб кириб, эшикни беркитиб қўйсангиз бўлди. Буни қарангки унинг хушбўй хиди пашшаларга ёқмас экан.

Узоғи билан 3-4 соат ичида пашшалардан халос бўласиз.

БАРМОҚ ИЗЛАРИ ПАРОЛ ЎРНИДА

АРС корпорацияси янги замон компьютер сичқончаларини ишлаб чиқарди.

Эндиликда бу сичқончалар ёрдамида инсон бармоғи излари сканер қилиб олинади. Бу эса компьютер ҳимоясини таъминлашга қаратилган паролларга эҳтиёж қолдирмайди. Яъни бармоқ излари компьютер хотирасидаги изларга мос келган тақдирдагина, ундан фойдалана оласиз.

Қурилма 20 дан ортиқ фойдаланувчининг бармоқ изларини хотирасида сақлаш имконига эга.

КУЛДИРУВЧИ ГУЛ

Бу ғаройиб ўсимлик Арабистонда ўсади. Унинг уруғини истеъмол қилган одам ярим соат мириқиб кулиб, кейин ухлаб қолар экан.

ЮВИНИШ ЗАРАРЛИМИ?

Европада мушкетёрлар даврида ювинишни соғлик учун зарарли, деб ҳисоблашган. Хонимлар ва кавалерлар тез-тез ювиниб туриш ўрнига турфа хил атирларни сепиб юришни хуш кўришган.

БАЙРОН ХОСЕ ОЛЬМЕДОГА АЙЛАНДИ

Эквадор ҳукумати яқинда ўзининг таниқли шоири Хосе Ольмедога ҳайкал ўрнатишга қарор қилди. Бироқ давлат бюджетида маҳоратли ҳайкалтарошга бериладиган маблағ йўқлиги боис давлат арбоблари Англия ҳукуматидан «ишлатилган» Байрон ҳайкалини сотиб олишди ва исм-шарифини ўзгартириб, ўз шоирларини «яратишди».

ЭНГ ОҒИР ГЎДАК

Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Айниқса, янги туғилаётган чақалоқлар билан боғлиқ ажабтовур ҳодисалар кўпайгандан-кўпаймоқда.

Маълумотларга қараганда, яқинда АҚШда энг оғир бола дунёга келган. Унинг оғирлиги 6 килограмм, бўйи эса, олтмиш сантиметрни ташкил этади. Лекин врачлар бунга сира ҳайрон бўлишмади. Чунки, чақалоқнинг ота-онаси ҳам жуда оғир ва бўйдор инсонлар экан. Уларнинг вазни 150 кг, бўйлари бўлса, нақ икки метрдан. Бунга нима дейсиз?..

БИРИНЧИСИГА НИМА ЕТСИН

Малайзия фуқароси 72 ёшли Муҳаммад Қамардин биринчи хотинининг қанчалар яхши эканини англаш учун эллик уч марта уйланишга мажбур бўлди. Яқинда у бундан эллик йил аввал ажрашган хотини билан қайта никоҳдан ўтди.

— Мен аёллар масаласида жуда жиддий эдим, — дейди у. — Шунга қарамай, илгариги хотинларим билан атиги бир ҳафтагина яшардим ва ажрашиб кетаверардим. Фақат сўнггиси билан 20 йил ҳаёт кечирдим. У саратондан вафот этди.

Маълум бўлишича, Муҳаммад отанинг кўз очиб кўрган аёли ҳозир 74 ёшда. Онахон яна биринчи эри билан ярашишга фақат унинг эски одатларини ташлаш ваъдасини олгандан кейингина рози бўлган.

Моҳира АБДУРАҲМОНОВА тайёрлади

ҚИЗИЛ СОЧЛИ ПАРИЛАР

Жин-парилар тўғрисидаги қадимий ривоят, эртак, ҳикояларда буларнинг энг хавфлиси Жезтирноқлар деб аталган бўлиб, олтинга ўхшаш узун сочларини кўзгуга қараб тараб ўтиришади, деб тасвирланган. Одамнинг жинсий қобилияти сочининг турига боғлиқ деб ким ўйлабди дейсиз. Бу масаланинг тўғрилигини яқинда Эдинбург университетининг сексологи Колина Макги эълон қилиб, унинг ҳақиқатга яқин эканлигини Оксфорд молекуляр медицина институтида тасдиқлади.

Колина Макги бошлиқ мутахассислар сочнинг рангига таъсир этадиган генларни текшириш устида иш олиб бораётиб ҳайрон қоладиган натижага эришган. Сочнинг қизил бўлиб ўсиши генлар билан боғлиқ экан. Ген инженерияси фанидаги бу янгиликни «қизил ген» деб аталибди.

Тағин бир қизиғи шундаки, «қизил ген»лари бор одамларнинг сочлари мажбурий тарзда қизил бўлса ҳам, эркак билан аёлга икки хил таъсир қилар экан. «Қизил ген»нинг эркакнинг ўйлаш қобилиятига фавқулодда таъсири сезилмас экан. Аёлларда эса «қизил ген» фақат жинсий аъзосига таъсир этар экан.

Текширувчилар сариқ соч билан қизил сочни янглиштирмасликка, аниқ ажрата билишга ундайди. Сариқ сочлилар жинсий томондан муҳим эмас. Гап фақат қизил сочлилар устида кетяпти. Қизил сочли аёлнинг жинсий имконияти чексиз...

Оксфорд молекуляр медицина институти одам танасидаги «қизил ген» ер юзасида ўлиб

йўқолган неандерталлардан қолган мерос дейишмоқда. Ҳозирги одамлар бундан 40 минг йил бурун пайдо бўлган бўлса, неандерталлар эрамиздан аввалги 50-100 минг йиллар аввал яшашган. Улар кучли ва қўлига ишонган, чарчашни билишмаган ёввойилар бўлишган. Неандерталлар ва одамлар ўртасида 10 минг йил чамасида уруш бўлган. Бироқ қўл кучидан кўра ақл ва ҳийлага ишонган одамлар ғалаба қилишган. Неандерталлар аста-секин ер юзасидан йўқ бўлиб кетишган.

Даҳшатли урушларда юриб, улар одам қавми билан турмуш қуришган. «Қизил ген» шулардан мерос бўлиб қолган. «Қизил ген»ларнинг «муҳаббати жўшқин» дейишади олимлар.

3000 одам устида тажриба ўтказган олимлар қизил сочлиларнинг тунги ўйинларни биринчи ўринга қўйишлигини, «кўнгли» тўлмаса эрини ташлаб кетишини тажрибада кўришган.

Ҳангома қизил сочлиларнинг тарихга боғлиқ эканлигидан ҳозир туркий оламда шундай сочлилар учрамагани учун, уни бизга алоқаси йўқ, деб ҳисобласак ажабланманг.

Қадимий тарихни ўқисак, хун, туркий оламида «қизил сочлилар» қавми бўлган. Улардан туркий қавмига тарқалган қизил, қизил бош, қизил қурт, қизил оёқ сингари авлодлар тарқалган. Хитойлар қадимда қизил сочли дипларларни «қизил сочли парилар» деб аташган. Демак, қизил соч европаликларга хос деб бир томонлама қарашлик хатодир.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ

Халқаро воқеалар

«ОҚ УЙ ЙЎҚ ҚИЛИНИШИ КЕРАК ЭДИ»

Бу фактни АҚШда 2001 йил 11 сентябр куни содир этилган террористик ҳаракатларга алоқадорликда айбланиб суд қилинаётган 37 ёшли Закариас Мусауи тан олган — душанба куни ўтказилган суд жараёнида у «асосий вазифаси — самолёт ўғирлаб, уни Оқ уйга йўналтириш» бўлганлигини тан олган. Бу ҳақда «РИА-Новости» ахборот агентлиги хабар қилади.



Бу воқеаларга алоқадорликда айбланиб ҳибсга олинган ягона шахс — Мусауи, шунингдек, яна икки самолёт Бутунжаҳон савдо маркази биносига йўнатирилганлигини билганлигини маълум қилган.

Шу пайтгача Мусауи АҚШга «Ал-Қоида» гуруҳи томонидан уюштирилиши мўлжалланган террористик ҳаракатларда иштирок этиш учун келганлигини тан олгани ҳолда, 11 сентябр воқеалари ҳақида хабари бўлганлиги фактини инкор этаётган эди. Агар у айбдор деб топилса, Закариас Мусауига нисбатан ўлим жазоси тайинланиши мумкин.

Украина парламенти сайловлари: ЮШЕНКО САЙЛОВДА ЮТҚАЗДИ

Украина Марказий сайлов комиссияси маълумотларига қараганда, мамлакат парламентига ўтказилган сайловлар бўйича 55,18 % сайлов бюллетенлари ўрганиб чиқилган. Ҳозирча Виктор Янукович раҳбарлик қиладиган «Регионлар» партияси — 27, 83 %, Юлия Тимошенко блоки — 23,3 %, «Наша Украина» блоки — 16,13 %, Соцпартия — 6,8 % ва Компартия — 3,53 % овоз тўплаган.

Шундай қилиб, ҳозирча Виктор Янукович партияси етакчилик қилмоқда, аммо партия тўплаган овозлар бутунлай ғалаба қозониш учун етарли эмас.

Хориж матбуотида Президент Виктор Юшенко ўтказилган сайловлар юзасидан партия ва блоклар етакчилари билан сиёсий музокаралар олиб бориши ҳақида хабарлар тарқатилган.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА ЯГОНА ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Душанба куни Брюсселда Европа Иттифоқи аъзо давлатлари транспорт вазирлари учрашувида умумевропа ҳайдовчилик гувоҳномаларини жорий этишга келишиб олинди.

Қабул қилинган қарорда айтилишича, бундай гувоҳномалар барча аъзо давлатларда 2012 йилга келиб берила бошлаши керак. Шу билан биргаликда, учрашувда «эски» ҳайдовчилик гувоҳномалари 2032 йилга қадар амал қилиши ҳам айтиб ўтилган.

Қонуний кучга киргунига қадар, бу лойиҳа Европа Парламентида тасдиқдан ўтиши лозим.

Янги ҳайдовчилик гувоҳномалари ичига микрочип ўрнатилган пластик карточка кўринишига эга бўлади ва улар ҳар ўн йилда янгиланиб туриши лозим бўлади.

БЕН ЛОДИННИНГ ҲАЙДОВЧИСИ АҚШ МУДОФАА ВАЗИРИГА ҚАРШИ. КИМ ҒАЛАБА ҚОЗОНАДИ?

АҚШ Олий судида Усамо Бен Лодиннинг собиқ шахсий ҳайдовчиси Салим Аҳмад Хамданнинг АҚШ Мудофаа вазири Доналд Рамсфелдга қарши даъвоси кўриб чиқилиши кутилмоқда. Даъво мазмуни — Жорж Буш маъмуриятининг терроризмга қарши курашида ишлатилаётган ҳарбий трибуналларнинг қонунийлиги масаласи.

Бу суд жараёни сиёсий нуқтаи-назардан ҳам, жамоатчилик ўртасида ҳам катта қизиқиш уйғотган, чунки мамлакат Олий суди президент Жорж Бушнинг ҳарбий трибуналлар-махсус комиссияларни жорий этиш ҳақидаги қарорининг Конституцияга мос, мос эмаслигини аниқлаши керак бўлади.

Доналд Рамсфелд манфаатларини ҳимоя қилаётган АҚШ адлия вазирлиги бош адвокати — Пол Клемент президент ўзининг конституциявий ваколатларидан келиб чиқиб, Бош қўмондон сифатида ҳарбий трибуналлар жорий этиш ҳақида қарор қабул қилганлигини маълум қилган.

Шу билан бирга, Адлия вазирлиги Олий суддан бу ишни кўриб чиқишни бекор қилишни сўраган.

35 ёшли Яман давлати фуқароси Салим Аҳмад Хамдан 2001 йилнинг охирларида Америка ҳарбийлари томонидан Афғонистонда асирга олинган эди. Ҳозирги вақтда Гуантаномо ҳарбий базасида ҳибсда сақланмоқда. У бир неча йил давомида Усамо Бен Лодиннинг шахсий ҳайдовчиси ва қўриқчиси бўлганлигини тан олган, аммо терроризмга умуман алоқаси йўқлигини маълум қилмоқда.

Салим Аҳмад Хамданга нисбатан терроризм ва фуқароларни ўлдириш жиноятлари бўйича айблов эълон қилинган. Гуантаномо ҳарбий трибунали унинг ишини 2004 йилдаёқ бошлаши керак эди, бироқ Доналд Рамсфелдга нисбатан берилган даъво қўзғатилиши буни ҳозирча орқага сурмоқда.

Интернет хабарлари асосида Али БОЙ тайёрлади

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши кенгаш учун мебел жиҳозларини сотиб олишга тендер эълон қилади. Тендерда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

Манзил: Навоий кўчаси 30-уй, 4-қават, ЎзМТДП Марказий кенгаши девони
Телефонлар: 144-81-28, 144-83-05

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши партия фаоли Умида Каримовага падари бузруквори
Лутфилло ҳожи отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Milliy tiklanish — миллий тикланиш — миллат кенгаши

Таҳрир ҳайъати

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, 136-56-29, бўлим — 136-58-80,
реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 523.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2117
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00